



РАҚАМЛИ МАРКИРОВКАЛАШ ТИЗИМИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Оттажонов Неъматжон

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0002-1710-5322

nematjon24@gmail.com

Аннотация. Ушбу тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида товарларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этишнинг назарий-методологик асослари ва амалий аҳамияти таҳлил қилинган бўлиб, рақамли маркировкалашнинг моҳияти, яъни товар ҳаракатини тўлиқ кузатиш, уларнинг ҳақиқийлиги ва сифатини кафолатлаш ҳамда солиқ-божхона органлари учун шаффоф ахборот муҳитини яратишдаги ўрни илмий жиҳатдан асосланган, шунингдек, ушбу тизимнинг иқтисодий аҳамияти, жумладан давлат бюджети даромадларини ошириш, яширин иқтисодиётни қисқартириш, контрафакт маҳсулотлар айланмасини чеклаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва миллий иқтисодиётда рақамли трансформация жараёнларини чуқурлаштиришдаги самарадорлиги ёритилиб, хорижий тажриба асосида қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: товарларни рақамли маркировкалаш, рақамли иқтисодиёт, яширин иқтисодиётга қарши кураш, контрафакт маҳсулотлар.

СУЩНОСТЬ И ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ СИСТЕМЫ ЦИФРОВОЙ МАРКИРОВКИ

Оттажонов Неъматжон

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данном исследовании проанализированы теоретико-методологические основы и практическое значение внедрения системы обязательной цифровой маркировки товаров в Республике Узбекистан. Научно обоснована сущность цифровой маркировки, то есть её роль в полной прослеживаемости движения товаров, обеспечении их подлинности и качества, а также в создании прозрачной информационной среды для налоговых и таможенных органов. Кроме того, раскрыта экономическая значимость данной системы, в частности её эффективность в повышении доходов государственного бюджета, сокращении теневой экономики, ограничении оборота контрафактной продукции, защите прав потребителей и углублении процессов цифровой трансформации в национальной экономике. Проведен сравнительный анализ на основе зарубежного опыта.

Ключевые слова: цифровая маркировка товаров, цифровая экономика, борьба с теневой экономикой, контрафактная продукция.

THE ESSENCE AND ECONOMIC SIGNIFICANCE OF THE DIGITAL MARKING SYSTEM

Otajanov Nematjon

Tashkent State University of Economics

Abstract. This study analyzes the theoretical and methodological foundations as well as the practical significance of introducing a system of mandatory digital labeling of goods in the Republic of Uzbekistan. The essence of digital labeling has been scientifically substantiated, namely its role in ensuring full traceability of goods, guaranteeing their authenticity and quality, and creating a transparent information environment for tax and customs authorities. Furthermore, the economic importance of this system has been highlighted, particularly its effectiveness in increasing state budget revenues, reducing the shadow economy, limiting the circulation of counterfeit products, protecting consumer rights, and deepening the processes of digital transformation in the national economy. A comparative analysis has also been conducted based on international experience.

Keywords: digital labeling of goods, digital economy, combating the shadow economy, counterfeit products.

Кириш.

Бугунги глобал иқтисодий жараёнларда товар бозорини тартибга солиш, яширин иқтисодиётга қарши самарали курашиш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундай инновацион механизмлардан бири – товарларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимидир.

Ушбу тизим орқали маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш жараёнидан тортиб, уларни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча босқичлари тўлиқ ва шаффоф тарзда мониторинг қилинади. Бу, ўз навбатида, давлат учун солиқ ва божхона тушумларини ошириш ҳамда яширин иқтисодиёт кўламларини қисқартириш имконини яратса, тадбиркорлик субъектлари учун соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, истеъмолчилар учун эса сифатли ва асл маҳсулотни танлаш имкониятини таъминлайди.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва электрон назорат тизимларини жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президент фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат дастурларида айрим турдаги товарларни рақамли маркировкалаш ва уларни электрон тартибда кузатиб бориш вазифалари белгилаб қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-158-сон Фармони билан “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тасдиқланди. Унда маркировкалаш ва рақамлаштириш тизими самарасини ошириш ва кенгайтириш орқали солиқ маъмурчилиги тизимининг самарадорлигини янада ошириш белгиланди (Фармон, 2023).

Мазкур ислохотлар миллий иқтисодиётда шаффофликни таъминлаш, давлат бюджети даромадларини барқарор ошириш ва контрафакт маҳсулотлар айланмасининг олдини олишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Илмий адабиётларда товарларни маркировкалаш тизимлари, аввало, иқтисодиётда шаффофликни таъминлаш, яширин айланмани қисқартириш ва фискал самарадорликка эришишнинг муҳим институционал механизми сифатида талқин қилинади. Тадқиқотларда рақамли идентификация орқали товарларни мажбурий маркировкалаш солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, соғлом рақобат

мухитини шакллантириш ҳамда истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тизимли чора-тадбир сифатида баҳоланади.

Аксенов (2020) рақамли маркировка ва маҳсулот ҳаракатини кузатиш тизимини жорий этилиши мамлакатдаги контрафакт маҳсулотларга қарши курашишда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, рақамли идентификация воситаси орқали товарлар айланмасида шаффофлик ошади, солиқ ва божхона органлари учун назоратни соддалаштириш имконияти яратилади деб ҳисоблайди.

Голубенко, Финаенова, Свекольникова, Тимуш, Шевченко (2020) рақамли иқтисодиёт шароитида маҳсулотларни идентификация қилиш воситалари нафақат давлат назорати, балки бизнес жараёнларини оптималлаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар. Хусусан, истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бозорда соғлом рақобатни таъминлаш ва маҳсулот сифатини кафолатлашда рақамли маркировка тизимининг ўрнига катталигини, шунингдек, бизнес субъектлари учун қўшимча харажатлар юзага келиши эҳтимоли мавжудлигини, бироқ узоқ муддатли истиқболда ушбу харажатлар ўзини оқлаши таъкидлаганлар.

Гиёсов (2023) маркировка ва рақамлаштириш тизимини жорий этилиши хуфиёна иқтисодиёт кўламини қисқартириш орқали солиқ базасини қўшимча кенгайтириш имкониятидан фойдаланишда, маҳсулотлар, ишлаб чиқарувчи ва импортёрлар кесимида маркировка тизимини ривожлантириш кетма-кетлиги, шунингдек мазкур тизимга риоя этмаганлик учун жавобгарлик чораларини мақбуллаштириш таъкидлаган.

Фикримизча рақамли маркировка – бу маҳсулотнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган, унинг айланишини кузатиш имконини берувчи инновацион ахборот тизимидир. У истеъмолчи ишончини ошириш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва давлат бюджети тушумларини оширишга хизмат қилади. Маркировка нафақат назорат воситаси, балки иқтисодиётни рақамлаштиришнинг муҳим элементи ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда товарларни рақамли маркировка тизими жорий этилиши яширин иқтисодиётга қарши курашиш, солиқ-божхона тушумларини ошириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон амалиёти кўрсатганидек, рақамли маркировка контрафакт маҳсулотларнинг олдини олишда самарали восита сифатида хизмат қилади. Масалан, Россия Федерациясида “Честный знак” миллий тизими орқали тамаки маҳсулотлари ва алкоголь бозорида яширин айланма сезиларли даражада қисқарган, давлат бюджетига қўшимча тушумлар таъминланган.

Ўзбекистонда идентификация воситалари орқали рақамли маркировка ва кейинчалик товарларни кузатиб бориш тизими жорий этилган (*Қарор, 2020*).

Рақамли маркировка – бу товар айланмасини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими. Ҳар бир маҳсулот тўғрисидаги маълумот электрон маълумотлар базасида сақланади, у ҳам истеъмолчи, ҳам ишлаб чиқарувчи томонидан сканер қилиниши мумкин.

Рақамли маркировка тизимининг асосий вазифалари истеъмолчилар хавфсизлигини ошириш, сохта маҳсулотлар сонини камайтириш ва бозордаги қалбаки маҳсулотлардан халос қилишдир. Товарларни маркировка давлат, бизнес ва истеъмолчиларга фойда келтиради.

Истеъмолчи маркировкаланган товарни сотиб олаётганда унинг сифати ва хавфсизлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Рақамли маркировка бизнес субъектларига бозордаги иштирокини кенгайтириш, иш жараёнларини соддалаштириш ва маҳсулотнинг ишлаб чиқаришдан тортиб, якуний сотувгача бўлган ҳаракатини тўлиқ кузатиш имконини беради. Бозорда

халол компаниялар кўпроқ бўлса, ишлаб чиқарувчилар учун рақобатлашиш ва бизнесни ривожлантириш осонроқ бўлади.

Давлат маркировкалаш тизимини жорий этиш орқали “кулранг” бозорни (контрафакт товарлар) қисқартиради, солиқ ва божхона йиғимлари ҳисобига бюджетни оширади.

Маҳсулотни маркировкалаш икки ўлчамли штрих кодни шакллантириш ва маҳсулотга, унинг қадоғига ёки бошқа моддий ташувчига босиб тушириш йўли билан амалга оширилади. Маркировкалаш ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан амалга оширилади. Ушбу товарлар билан савдо қилувчи чакана ёки улгуржи савдо корхоналари маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимига уланиши белгиланди. Қуйидаги товарлар мажбурий маркировкаланиши лозим (Қарор, 2020):

Сигаретлар - 2021 йил 1 январдан;

Бошқа турдаги чекиладиган тамаки маҳсулотлари, чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, никотинли тамакисиз снюс, таркибида никотин мавжуд суюқликлар ва никотинли электрон сигареталар - 2022 йил 1 октябрдан;

Алкоголь маҳсулотлари - 2021 йил 1 январдан;

Пиво маҳсулотлари - 2021 йил 1 апрелдан;

Маиший техника – 2022 йил 15 апрелдан;

Дори воситалари ва тиббий буюмлар - 2022 йил 1 сентябрдан;

Сув ва салқин ичимликлар – 2024 йил 1 мартдан;

Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалари – 2026 йил 1 майдан.

Тамаки маҳсулотларини маркировкалаш 2021 йил январь ойида филтрли сигареталардан бошланган. Ҳозир тамаки маҳсулотларининг барча турлари, жумладан, сигареталар, стиклар, электрон сигареталар ва чилим тамакиси маркировка қилинади (Тетерина 2025).

2024 йил якунига кўра, “Тамаки маҳсулотлари” товар гуруҳида 132 та ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчилар фаолият юритган (Тетерина 2025).

1-жадвал

2021-2024 йилларда тамаки маҳсулотларини юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари ва аниқланган қоидабузарликлар юзасидан маълумот.

2021 йил			2024 йил			Фарқ (+;-)	
Аниқланган ҳолатлар	Мусодара қилинган ноқонуний маҳсулотлар ҳажми		Аниқланган ҳолатлар	Мусодара қилинган ноқонуний маҳсулотлар ҳажми		Аниқланган ҳолатлар	Мусодара қилинган ноқонуний маҳсулотлар ҳажми
сони	сони	суммаси	сони	сони	суммаси	сони	сони
2	15400	0,9 млрд.сўм	103	697700	10,6 млрд.сўм	101	682,3 минг

Манба: муаллиф томонидан <https://uz.kursiv.media/uz> сайтида эълон қилинган очиқ маълумотлари асосида тайёрланди

Тадқиқот натижалари тамаки маҳсулотларини рақамли маркировкалаш тизими орқали назорат қилиш чоралари сезиларли даражада кучайганини ҳамда қоидабузарликларни аниқлаш самарадорлиги ортиб бурганини кўрсатмоқда. Масалан, агар 2021 йилда атиги иккита ҳуқуқбузарлик ҳолати қайд этилган бўлса, 2024 йилда уларнинг сони 103 тага етган. Шу билан бирга, мусодара қилинган ноқонуний маҳсулотлар ҳажми ҳам кескин ўсган: 2021 йилда 15,4 минг дона маҳсулот 96,6 миллион сўмлик қийматда мусодара қилинган бўлса, 2024 йилда ушбу кўрсаткич 697,7 минг дона ва 10,57 миллиард сўмга етган. Бундай натижалар рақамли маркировкалаш тизимининг контрафакт маҳсулотлар айланмасини аниқлаш ва уларнинг олдини олишда муҳим инструмент сифатида юқори самара берганини тасдиқлайди (1-жадвал).

Алкоголь маҳсулотларини маркировкалаш 2021 йил январь ойидан бошлаб жорий этилган бўлиб, у барча турдаги ичимликларни — ўткир ичимликлар, вино, шампань виноси, коктейллар, шу жумладан, алюминий қадоқланган маҳсулотларни қамраб олган (Тетерина 2025).

2024 йилда рўйхатдан ўтган импорт қилувчилар сони 41 тага етган, рўйхатдан ўтган ишлаб чиқарувчилар сони эса 2021 йилдаги 61 тадан 2024 йилда 93 тага кўпайган (Тетерина 2025).

Алкоголь маҳсулотларини рақамли маркировкалаш тизимида тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки қоидабузарликлар сони 2021–2022 йиллардаги 396 тадан 2024 йилда 978 тага ошган. Бу эса назорат самарадорлиги ортганини кўрсатади. 2024 йилда 365 минг дона алкоголь маҳсулотлари ва 366 минг литрдан ортиқ келиб чиқиши номаълум бўлган спирт мусодара қилинган.

Бундай натижалар орқали қонуний ишлаб чиқарувчилар сони ошганлиги, кўриш мумкин. Шунингдек, рақамли маркировкалаш тизими инсон ҳаётига ҳаф солувчи контрафакт маҳсулотлар айланмаси аниқлашда ва уларни олдини олишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

2021-2024 йилларда алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларда аниқланган қоидабузарликлар тўғрисида маълумот.

2021 йил		2024 йил		Фарқ (+;-)	
Ишлаб чиқарувчилар сони	Қоидабузарликлар сони	Ишлаб чиқарувчилар сони	Қоидабузарликлар сони	Ишлаб чиқарувчилар сони	Қоидабузарликлар сони
61	396	93	978	32	582

Манба: муаллиф томонидан <https://uz.kursiv.media/uz> сайтида эълон қилинган очик маълумотлари асосида тайёрланди.

2021 йил апрель ойидан бошлаб пиво ва пиво маҳсулотлари мажбурий тартибда маркировка қилинмоқда. Шунингдек, алюминий қадоқлардаги пиво ҳам маркировкаланмоқда.

2024 йилда электрон ҳисобварақ-фактуралар тизими орқали пиво ва пиво ичимликларини сотиш ҳажми ўтган йилга нисбатан 48 фоизга ошган. Касса чеклари бўйича сотувлар ҳам 26 фоизга ошган (Тетерина 2025).

Рақамли маркировкалашнинг жорий этилиши маҳсулот ҳаракатини самарали кузатиш ва контрафактни аниқлаш имконини берди, бу эса бозорни шаффофлантиришга ёрдам берди.

Пиво сотадиган қонуний савдо нуқталари сони 4,6 мингдан ошди, бу эса 2021 йилга нисбатан 148 бараварга кўпайган (Тетерина 2025).

Маиший техника ва электроникани маркировкалаш 2022 йил апрель ойида бошланган. Биринчи босқичда чангюткичлар, кир ювиш машиналари, совитиш ва музлатиш ускуналари, телевизор ва мониторлар маркировка қилинган. Кейин бу рўйхатга газ плиталари, дудбуронлар, духовкалар, микротўлқинли печлар, дазмоллар ва сув иситкичлар қўшилди. Якуний босқичда маркировкалаш кондиционерлар, ўрнатилган электр моторли маиший техника ва барча турдаги ёритиш мосламаларига жорий қилинган.

2024 йилда ушбу тоифадаги товарларни маркировкалаш ҳажмининг сезиларли ўсиши қайд этилган. 2023 йилга нисбатан маркировкалаш ҳажми 16 фоизга, маркировкалаш кодлари айланмаси эса 52,3 фоизга ошган (Тетерина 2025).

Ўзбекистонда 2024 йил якуни бўйича маркировкаланган маиший техникалар сони 2022 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 450 фоизга ошган. Тизимда рўйхатдан ўтган иштирокчилар сони эса уч баравардан кўпроққа ўсган (Тетерина 2025).

Дори воситалари ва тиббий буюмларни маркировкалаш босқичма-босқич жорий этилмоқда (Қарор, 2022):

биринчи гуруҳ — иккиламчи (ташқи) қадоқларда ишлаб чиқарилган дори воситалари (*орфан дори воситалари бундан мустасно*) — 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб;

иккинчи гуруҳ — бирламчи (*ички*) қадоқларда ишлаб чиқарилган дори воситалари (*агар иккиламчи (ташқи) ўрам мавжуд бўлмаса*) ва доривор ангро — маҳсулотлари (*орфан дори воситалари бундан мустасно*) — 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб;

учинчи гуруҳ — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган орфан дори воситалари ҳамда кам учрайдиган (*орфан*) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун мўлжалланган тиббий буюмлар рўйхатига кирган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида амалга оширилган рўйхатга олиш натижаларини тан олиш тартиби доирасидаги дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббиёт техникасининг Давлат реестрига киритилган дори воситалари — 2023 йил 1 мартдан бошлаб;

тўртинчи гуруҳ — белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатга киритилган тиббий буюмлар — 2025 йил 1 февралдан бошлаб. Бунда тиббий буюмлар рўйхати Давлат солиқ қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мазкур маҳсулотларни рақамли маркировкалаш юзасидан ўтказилган тажриба лойиҳаси натижаларига асосан тасдиқлананидан тиббий буюмлар (3-жадвал).

3-жадвал

Мажбурий рақамли маркировкаланадиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг идентификация кодлари рўйхати

Т/р	Маҳсулот номи	ТИФ ТН коди позицияси	Маҳсулотлар идентификация кодларининг синф коди
Биринчи гуруҳ			
1.	Иккиламчи (ташқи) қадоқларда ишлаб чиқарилган дори воситалари	3003, 3004	03003, 03004
Иккинчи гуруҳ			
2.	Бирламчи (ички) қадоқларда ишлаб чиқарилган дори воситалари (агар иккиламчи (ташқи) ўрам мавжуд эмас бўлса) ва доривор ангро-маҳсулотлари	3003, 3004	03003, 03004
Учинчи гуруҳ			
3.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган кам учрайдиган касалликларни даволаш учун мўлжалланган орфан дори воситалари ҳамда кам учрайдиган (орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун мўлжалланган тиббий буюмларни рўйхатига кирган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарисида амалга оширилган рўйхатга олиш натижаларини тан олиш тартиби доирасидаги дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникасининг Давлат реестрига киритилган дори воситалари	3003, 3004	03003, 03004
Тўртинчи гуруҳ			
4.	Тиббий буюмлар	3005, 3006	03005, 03006

Манба: Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги 149-сон қарори 1-иловасига асосида тайёрланди.

Дориларни маркировкалаш билан маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар, жумладан, Россия (70 та компания), Ҳиндистон (221 та) ва Европа Иттифоқи (152 та) компаниялари шуғулланади.

2022 йилда тизимда 157 та ишлаб чиқарувчи бўлган бўлса, 2024 йил охирига келиб уларнинг сони 800 тага етган. Рўйхатдан ўтказилган препаратлар сони 8 бараварга ошиб, 1 528 тадан 12 300 тага етган.

Шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларда маркировкалаш ҳажми 12 фоизга ошган.

Дистрибьюторлар сони 2023 йилдаги 350 тадан 2024 йилда 881 тага етган, маркировка кодлари айланмаси эса 5,5 бараварга ошган.

Рўйхатдан ўтган чакана савдо иштирокчилари сони 30 бараварга ошган. 2023 йилда 226 тани ташкил этган чакана савдо иштирокчилари сони 2024 йилга келиб 6,5 мингга етган.

Муомаладан чиқарилган маркировкаланган дори воситалари ҳажми 18,5 бараварга ошган.

IQVIA халқаро таҳлил компанияси маълумотларига кўра, 2023 йил сентябридан 2024 йил сентябригача Ўзбекистон фармацевтика бозори 13 фоизга ўсган (Тетерина 2025).

Ишлаб чиқарувчининг дори воситаларига белгиланган чекланган сотиш нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг икки фоизидан юқори бўлмаганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тақдим этиладиган дори воситалари рўйхатига мувофиқ рақамли маркировка кодлари Оператор томонидан бепул тақдим этилади (Қарор, 2022).

2024 йил 1 мартдан бошлаб сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалаш бошланган.

Маркировка сув, шарбатлар, газли ичимликлар, энергетиклар ва бошқа ичимликлар учун мажбурийдир. Умумий овқатланиш муассасаларида мустақил равишда тайёрланадиган ичимликлар бундан мустасно. Шунингдек, жойида тайёрланган компотлар, лимонадлар, смузилар, фрешлар, коктейллар маркировка қилинмайди.

Маркировка тизими сув ва салқин ичимликлар бозорини қонунийлаштиришга ёрдам берди. 2025 йил март ойига келиб, маркировкаланган товарлар реестрида 197 та ишлаб чиқарувчи рўйхатга олинган, бу ўтган йилга нисбатан 71 фоизга кўпайган. 2025 йилнинг март ойида 2024 йилнинг март ойига нисбатан 72 фоизга кўп код қўйилган. Бу билан бирга, импорт қилинган маҳсулотларга ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 253 фоизга кўп код қўйилган (Тетерина 2025).

Ўзбекистон Республикасида ПЕТ қадоқларида ярим (0,5) литр ва ундан ошмаган ҳолда ишлаб чиқарилган (*таркибида шакар ва бошқа қўшимчалар мавжуд бўлмаган*) газланмаган сувларни мажбурий рақамли маркировкалашда идентификация воситаларини шакллантириш мақсадида рақамли маркировка кодлари оператор томонидан бепул тақдим этилади (Қарор, 2022)

Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган кимёвий воситаларини рақамли маркировкалаш бўйича тажриба лойиҳаси 2025 йил 1 майдан бошланди.

Қарор билан тажриба лойиҳасида бешта компания иштирок этиши белгиланди (Қарор 2023).

Тажриба лойиҳасининг мақсадлари:

а) минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни рақамли маркировкалаш ҳамда кузатиб бориш механизмларининг тўлиқлиги, самарадорлиги ва етарлилигини баҳолаш учун:

минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш;

минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний олиб киришга (*импорт қилиш*), ишлаб чиқариш (*шу жумладан, контрафакт маҳсулотларни*) ва айланмасига қарши курашиш;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш (*импорт қилиш*), ишлаб чиқариш ва айланмадан чиқариш схемаларидан фойдаланишни тақиқлаш мақсадида минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситалар айланмаси иштирокчиларининг ўзаро алоқасини таъминлаш;

рақамли идентификация қилиш воситалари билан белгиланган минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни олиб кириш (*импорт қилиш*), ишлаб чиқариш ва айланмасини ҳисобга олиш тартибини стандартлаштириш;

б) минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни мажбурий рақамли маркировкалашга ўтишнинг мақсадга мувофиқлиги ва кетма-кетлигини аниқлашдан иборат.

Хулоса ва таклифлар.

Глобал иқтисодиётда рақамли технологияларнинг жорий этилиши нафақат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошироқда, балки бозорда шаффофликни таъминлашга ҳам хизмат қилоқда. Шу нуқтаи назардан рақамли маркировка тизими товарларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган, уларнинг айланмасини кузатиш имконини берувчи инновацион механизм сифатида аҳамият касб этади. Хорижий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур тизим контрафакт маҳсулотларнинг олдини олиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали восита бўлиб хизмат қилоқда.

Иқтисодий жиҳатдан рақамли маркировка давлат бюджети учун қўшимча солиқ-божхона тушумлари манбаи ҳисобланади. Масалан, Россияда “Честный знак” тизими орқали тамаки ва алкоголь бозорида яширин айланма кескин қисқаргани ва миллиардлаб қўшимча бюджет тушумлари таъминлангани ҳақидаги тадқиқотлар бунга яққол мисолдир.

Бироқ, мазкур тизимнинг самарадорлиги унинг техник, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари қандай йўлга қўйилишига бевосита боғлиқ. Айрим давлатларда рақамли маркировка бизнес учун ортиқча харажат деб баҳоланган ҳолатлар ҳам мавжуд. Шу боис тизимни жорий этишда давлатнинг қўллаб-қувватлови, инфратузилмани ривожлантириш ва тадбиркорлар учун қулай шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон шароитида рақамли маркировка ҳали тўлиқ жорий этилмаган бўлса-да, айрим турдаги маҳсулотларда амалиётга киритилмоқда. Маҳаллий бозор шароити ва аҳолининг рақамли технологияларга тайёргарлик даражаси инobatга олинса, мазкур тизим босқичма-босқич йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Шу орқали яширин иқтисодиётга қарши самарали механизм яратилиши, солиқ-божхона тушумлари ошиши ва аҳолида маҳсулот сифатига ишонч юзага келиши мумкин.

Рақамли маркировкалаш тизимининг иқтисодий аҳамиятини фақатгина солиқ тушумлари доирасида баҳолаш тор доирадаги ёндашув ҳисобланади. Аслида, ушбу механизм узоқ муддатли истиқболда миллий иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, бизнес жараёнларида институционал шаффофликни кучайтириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро бозорларда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, рақамли маркировка жараёнида

тўпланадиган ва таҳлил қилинадиган маълумотлар давлат бошқаруви ва иқтисодий сиёсат соҳасида стратегик қарорлар қабул қилишда ахборот-таҳлилий асос сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли маркировка тизими иқтисодий ислохотларнинг ажралмас қисми сифатида қаралиши зарур. Унинг самарали ишлаши учун қонунчилик базаси, ахборот технологиялари инфратузилмаси ва жамоатчилик онгида рақамли ишонч муҳитини шакллантириш талаб этилади. Ана шунда рақамли маркировка Ўзбекистон иқтисодиётида барқарор ўсиш ва тўлиқ шаффофликка олиб келувчи муҳим воситага айланиши мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини босқичма-босқич жорий қилиш:

Сут ва сут маҳсулотлари (*сут, йогурт, қаймоқ, музқаймоқ, пишлоқ*);

Парранда маҳсулотлари (*тухум, товуқ гўшти*);

Мева-сабзавотлар (*айниқса экспортбон: узум, гилос, анор, қовун, тарвуз*);

Асал;

Дон маҳсулотлари (*ун, макарон*).

Бунда “фермадан дастурхонгача” модели асосида, истеъмолчи маҳсулот қайси фермер хўжалигидан чиққанини кўра олиш имкони яратилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида “фермадан дастурхонгача” рақамли кузатув модели жорий қилиниши истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, статистик ҳисоботларда шаффофликни таъминлайди

Бу орқали қишлоқ хўжалигидаги қиймат занжирини кузатиш мумкин.

2. Маркировка асосида давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш.

Бунда рақамли маркировкаш тизимини Давлат харидлари платформасига интеграция қилиш орқали Давлат тендерларида фақат рақамли маркировкаланган маҳсулотларни қабул қилиш (*мажбурий рақамли маркировкалаш талаби жорий қилинган маҳсулотлар бўйича*).

Бу орқали коррупция ва сохта тендерларни камайитишга хизмат қилади.

3. Акциз маркаларини босқичма-босқич бекор қилиш ва рақамли маркировкага ўтиш.

“Ўзбекистонда акциз маркаларини рақамли маркировка билан алмаштириш орқали назорат самарадорлигини ошириш мумкин” → бу нафақат амалиёт, балки янгича ёндашув сифатида кўрилади.

4. Чипс ва тез истеъмол қилинадиган озиқ-овқатлар (снек маҳсулотларини) рақамли маркировкалаш

Чипс ва сухариклар (скен маҳсулотларини) рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш жамият соғломлиги ва болалар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Аввало, бу маҳсулотлар кўп ҳолларда ёшлар ва болалар томонидан кенг истеъмол қилинади, шу боис уларнинг таркиби, яроқлилиқ муддати ва ишлаб чиқарувчиси ҳақидаги маълумотларнинг аниқ ва ишончли бўлиши жуда муҳимдир. Рақамли маркировка тизими орқали ҳар бир истеъмолчи, шу жумладан ота-оналар, мобил илова ёрдамида маҳсулот ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади. Бу эса болаларни паст сифатли, ноқонуний ёки таркибида зарарли моддалар бўлган снек маҳсулотлардан ҳимоя қилишга хизмат қилади.

5. Тадбиркорлик субъектлари томонидан маркировкаланадиган маҳсулотларни маркировкани ўқиш қурилмаларидан фойдаланилмаган ҳолда сотиш ҳолатларини бўйича хавф мезонларини “Солиқ хавфни комплекс бошқариш” автоматлашган тизимидаги солиқ хавфини аниқлаш бўйича мезонлар рўйхатига қўшиш.

6. Жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали маркировка коидаларини бўзилишини қисқартириш.

Бу орқали муддати ўтган ва сифатсиз маҳсулотларнинг сотилишини олди олинади.

Адабиётлар/Литература/References:

Аксенов, И., (2020) Система цифровой маркировки и прослеживаемости товаров в Российской Федерации. Экономические исследования С.17

О.Голубенко, Э. Финаенова, О. Свекольников, Л. Тимуш, Н. Шевченко., (2020) Цифровизация маркировки потребительских товаров. Вестник СГСЭУ. 2020. № 3 (82)

Ғиёсов (2023) Маркировкалаш тизимини кенгайтириш орқали солиқ маъмурчилиги самарадорлигини янада ошириш. Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил, 164-174

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида” ги 737-сон қарори.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги “Дори воситалари ва тиббий буюмларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 149-сон қарори.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 ноябрдаги “Сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 631-сон қарори.

Қарор (2023) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 8 апрелдаги “Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 203-сон қарори.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдани ““Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги 158-сон Фармони.

Темперина (2025) kursiv.media/uz/2025-05-07/markirovkani-joriy-etishning-samarasi-data-matrix-ozbekiston-bozorini-qanchalik-ozgartirmoqda